

Ozbekiston Respublikasi  
Mas'uliyati cheklangan  
jamiyat  
Bosh loyiha-qidiruv  
instituti



Республика Узбекистан  
общество с ограниченной  
общественностью головной  
проектно - изыскательский  
институт

Рўйхатга олинган \_\_\_\_\_

**"МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ"  
НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАСИ  
ПАСПОРТИ**


Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги

Бош лойихачи: "QISHLOQQURILISHLOYIHA" МЧЖ  
Бош лойиха қидирув институти

Тошкент 2022 йил

ҚК-2	ҚУРИЛИШ КАТАЛОГИ	Белгиланиши
ЎЗБЕКИСТОН	"Махалла фуқаролар йиғини комплекси" намунавий лойихаси	намунавий лойиха
Январь 2021й.		Альбом I 1 бет


### Девор тархи




### Бино хоналари рўйхати

Хона рақами	Номланиши	Майдони м <sup>2</sup>
1	Вестибюл	14.00
2	Очиқ иш жойи (бандлик, банк ва бошқалар)	68.98
3	Мажлислар зали (Кутубхона)	26.31
4	Раис хонаси	13.11
5	Профилактика инспектори хонаси	11.88
6	Холл	4.41
7	Техник хона	2.88
8	Хожатхона	2.64
9	Хожатхона	2.64

Чордок азрацияси тархи



Том тархи




"Маҳалла фуқаролар йиғини комплекси"  
намунавий лойихаси

намунавий  
лойиха


4 бет




Қирқим 1-1



Тарз 1-4



Тарз 4-1







### МЕЪМОРИЙ ЕЧИМ

"Махалла фуқаролар йиғини комплекси" биносининг тархида ўқ ўлчамлари 10.80м x 15.00м. бўлиб, корпус тўғри тўртбурчак шаклига эга. Деразалар деворда кетма-кет бир чизиқда кўйиб чиқилган.

Корпуси 1 қаватдан иборат булиб, қаватининг полдан потолокгача бўлган баландлиги 3.0м, қаватда Мажлислар зали (Кутубхона), Махалла раиси хонаси, Профилактика инспектори хонаси, Хотин-қизлар фаоли хонаси ва бошқа ҳамма керакли хоналар мужассамлашган:

Ички ва ташқи пардозлаш ишлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган замонавий пардозлаш материалларидан фойдаланилган.

- оратўсиқ (перегородка)лар - 100 мм ҳар иккала томондан 2 қаватли гипсокартондан ва 120мм ғиштдан;
- томи - ёғоч каркаси устига қопланган прифолланган рухли-пўлат листлари;
- поллари - Ламинат, керамик плитка
- деразалари - ПВХ профиллардан;
- эшиклари - Метал каркасли ва МДФ каркасли;
- ташқи парدوزи - 50 мм қалинликдаги минерал толали иссиқ сақловчи қопламали сувоқ;
- ички парадози - яхшиланган сувоқ, сувли эмулсияли бўёқлар, керамик плиткалар.
- бино жавобгарлиги классификацияси - II;
- ёнғинга бардошлиги даражаси - III;
- бино барча муҳандислик тизимлари (сув, канализация, электр, иситиш, вентилизация, ёнғин сигнализацияси) билан таъминланган.

### ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ КўРСАТКИЧЛАР

N т/р	Номланиши	Ўлчов бирлиги	Сони
1	Бинонинг умумий майдони	м <sup>2</sup>	152.3
2	Қурилиш майдони	м <sup>2</sup>	198.1
3	Қурилиш ҳажми	м <sup>3</sup>	692.1

### УМУМИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

Табийий-иқлимий шароитларга мос равишда :

- Ҳисобий энг совуқ қишки ҳарорати -15°C
- Шамол тезлиги босими -  $W_0 = 0.45$  кПа
- Қор қопламаси оғирлиги -  $S_0 = 0.50$  кПа
- Қурилиш майдонининг ҳисобланган сейсмиклиги -7-8 балл.
- Масъуллик синфи - I
- Ёнғин хавфи бўйича бинолар классификацияси ҳисоби -  $\Phi 3.5$
- Ишончлилик коэффициенти - 0.95
- Оловбардошлик даражаси - I
- Конструктив ёнғин хавфи синфи - C0
- Бинонинг тоза полининг нисбий белгиси -  $\pm 0.00$  белгиланган.
- Ташқи деворлар - ғишт - қалинлиги 380мм (иссиқлик химоя катлами билан ўралган);
- Иссиқлик химоя катлами-ҳажмий оғирлиги 120-140кг/м<sup>3</sup>, қалинлиги 50мм базальт толали минерал плита - ППЖ-140, Шиша толали тўр устидан - қалинлиги 5-:-7мм елимли сувоқ; декоратив сувоқ.

### Лойихалаш учун дастлабки маълумотлар

Тартиб рақами	Номланиши	Олинган маълумотлар
1	Худуднинг сейсмиклиги	7-8 балл
2	Тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда қурилиш майдончасининг сейсмиклиги ҚМҚ 2.01.03-96 га мувофиқ	7-8 балл
3	Тахмин қилинган ташқи хаво ҳарорати -	15°C
4	Бинонинг ёнғинга чидамлилиги	III
5	Ишончлилик коэффициенти	0.95
6	Қор юки ҚМҚ 2.01.07-96 га мувофиқ	50кПа
7	Қурилиш майдонининг ер шароитлари Чўқувчи замин (грунт) ларнинг хиллари	Чўқувчан эмас
8	Шамол юки ҚМҚ 2.01.07-96 га мувофиқ	0.38кПа
9	Музлаш чуқурлиги	0.70м

### Қурилиш конструкциялари ва махсулотлари

Лойиҳанинг темирбетон конструкциялар қисми қуйидаги ечимлар бўйича ишлаб чиқилди.

Конструктив ечимлар КМК 2.01.03-19 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш”нинг 3.1 жадвали 4 банди (Қўлда терилган комплекс конструкцияли деворлар) бўйича ишлаб чиқилди.

Пойдевор конструкцияси - Лентасимон қуйма темирбетондан бўлиб, бетон синфи В15.

Ташқи деворлар - М75 марказдаги пишиқ ғиштли, девор қалинлиги 380 мм, М50 марказдаги цемент-қум қоришмада II (икки) категория девор термаси бўлиб, горизонтал йўналишда ҳар 700 мм баландликда метал тўрлар билан кучайтирилади.

Темирбетон ўзақлар (сердечники) - қуйма темирбетондан бўлиб, бетон синфи В15, ўлчамлари 380x380мм, 130x380мм, 130x250мм, 130x120мм ни ташкил этади.

Ташқи деворлар ташқи томондан мустаҳкамлиги  $120-140 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3}$ , қалинлиги 50мм бўлган иссиқлик сақловчи базальт толали плиталар билан қопланган.

Бинонинг том конструкцияси метал бурчаклик элементларидан кўзда тутилган бўлиб, устки том қопламаси профилланган полимер қопламали листда ёпилиши кўзда тутилган.

Бино периметри бўйлаб бетон материалдан, эни 1000 мм бўлган отмостка элементи қуйилиши кўзда тутилган.

Намунавий лойиҳани лойиҳалашда табиий иқлим шароитлари ШНҚ 1.03.04-22 “Намунавий лойиҳа ҳужжатлари” таълаблари асосида қабул қилинди.

Намунавий лойиҳани маълум бир ҳудудга боғлашда участканинг муҳандислик-геологик тадқиқотларининг аниқ натижаларига қараб, шунга мувофиқ бино пойдевори ҳисобланиши керак

"Маҳалла фуқаролар йиғини комплекси"  
намунавий лойихаси

намунавий  
лойиха

11 бет

Конструктив ечимлар

Қурилиш конструкцияларини  
коррозияга қарши ҳимоялаш.

1	2	3
		"Маҳалла фуқаролар йиғини комплекси" биносининг намунавий лойихаси паспорти
2	Пойдеворлар ва ишончли заминлар учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар (грунтни намлаш ёки уни жипслаш (трамбовка) қилиш орқали ҳўвуччанликни бартараф қилиш)	Намунавий лойихада муҳандислик-геология тадқиқотларига асосан бинони ўтказиш
3	Пойдеворларни конструкцияларини ишлаб чиқиш (йиғилган темир-бетонли, монолитли, лентасимон, столбасимон, свайли ва бошқалар)	Темир-бетон монолитли
4	Цоколь - панелли, монолитли темир-бетон, йиғма блокли ёки ертўла деворлари	Темир-бетон монолитли
5	Бино деворлари - гиштли, панелли, сандвичли	Ташки девор гиштли - 380 мм, ички деворлар гиштли - 250, 120 мм
6	Бино каркаси (темир-бетон серияли йиғма монолитли ёки металлдан, серияли ёки якка ҳолда)	қўйма темирбетон ўзақлар билан қучайтирилган комплекс конструкцияли гишт деворлар
7	Фермалар, юк кўтарувчи, темир-бетон балкалар, темирли, ёғочли ва темир-ёғочли	Металл ферма, юк кўтарувчи темир-бетон балкалар
8	Томлар қуйидаги асосий белгилари бўйича туркумланади: - томқоплама нишаби бўйича - ясси 0-2,5%, қия нишабли 2,5-10%, нишабли 10% дан юқори ва ўзгарувчан нишабли - эгри чизикли; Том - тайёрланиш услуби бўйича - заводда тайёрланган унсурлардан иборат йиғма ва қурилиш жойида тайёрланган томлар; конструктив - жойлаштириш ечими бўйича чордоқли ва чордоқсиз; томқоплама ашёси бўйича - рулонли ва мастикали ашёлардан, йиғма ва яхлит қўйма плиталардан, тунука, донали ва маҳаллий ашёлардан; иссиқликдан ҳимоя даражаси бўйича - иситилган ва совуқ; асосий юк кўтарувчи конструкциялари бўйича - йиғма темир-бетон, ёғоч тўсинли - стропил тизимлар, профилланган тўшамали металл-структура тизимлар ва маҳаллий анъанавий конструкциялар;	Ёғоч каркаси устига копланган прифолланган рухли-пўлат листлар
9	Деразалар, эшиклар, люклар	Деразалар - пластик (кўп камерали профиль), стеклопакетлар билан тўлдирилган. Эшиклар - МДФ, темир эшик, пластик, алюминдан

Тартиб рақами	Ҳимояланаётган конструкциялар	Қабул қилинган қарорлар
1	Пойдеворлар	Иссиқ битум билан икки қаватли намдан ҳимоялаш материалларини ишлатган ҳолда суртиб чиқиш

Ёнғинга қарши чора-тадбирлар

Тартиб рақами	Қарорлар характеристикаси	Қабул қилинган қарорлар
1	Ёнғин ўчириш машиналарининг ўтиш йўлақлари сони, қурилиш майдонига кириш-чиқиш ва бинога кириш	Қурилиш майдонида машиналар кириши учун камида 2 та кириш жойи, бино олдиғача ва атрофида машиналар ҳаракатланиши учун йўллар бўлиши лозим
2	Биноларнинг оралик масофалари	Қурилиш майдонида машиналар кириши учун камида 2 та кириш жойи, бино олдиғача ва атрофида машиналар ҳаракатланиши учун йўллар бўлиши лозим
3	Ички ва ташки ёнғин ўчириш ҳақида	Ички ёнғинни ўчириш - ёнғин гидрантларини ва шкафларини ўрнатиш
4	Ёнғинга қарши сигнализация ва ёнғиндан огоҳлантириш ҳақида	Лойихада ШНК 2.04.09-07 га асосан ёнғинга қарши сигнализация ёнғиндан огоҳлантириш системаси
5	Хоналарни махсус ёнғинни ўчириш ва автоматик ёнғинни ўчириш воситалари билан жиҳозлаш	Талаб қилинмайди
6	Металл ва ёғоч конструкцияларини ёнғинга қарши бўёқ билан ҳимоя қилиш, гипсокартон билан сиртинни коплаш ёки сувоқ ишларини бажариш ва бошқалар	Металл конструкциялар (ГОСТ 25129-82 бўйича ГФ-021 хомаки бўёқ (грунтовка) билан бўяш) Ёғоч конструкциялар антисептик ва антипирен воситалари билан ишлов берилди

## Атроф - муҳитга таъсирини баҳолаш

Маҳалла фуқаролар йиғини комплекси биносининг хажмий режавий ечими табиий-иқлимий шароитга мослаштирилиб қабул қилинган функционал характеристикаси бўйича атроф-муҳит учун зарарли таъсири йўқ.

Ер ишларини бошлашдан олдин тайёргарлик ишларини ўтказиш лозим. Мухандислик коммуникацияларини ўтказиш, пойдевор ётқизиш учун қазилаётган чуқур (котлаван) қазилдан олдин ернинг хосилдор тупроқ бўлган қисмини эҳтиёткорлик билан казиб олиб уни алоҳида бир жойга тўплаб қўйиш керак бўлади.

Тўпланган унумдор тупроқни майдонни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ишлатилади.

## Лойиха таркиби

Белгилаш	Номланиши	Эслатма
Китоб-1	Тушинтириш хати	
Китоб -2	Амалдаги нархларда смета ҳисоблари	
Альбом -1	Меъморий ечимлар	
Альбом -2	Конструктив ечимлар	
Альбом -3	Мухандислик таъминоти Электротехника қисми Иситиш ва вентиляция Сув таъминоти ва оқава сувлар (канализация) Газ таъминоти	

## Технология

Лойиха топшириғи асосида маҳалла маркази биносини қуриш лойиҳасининг технологик қисми ишлаб чиқилган.

Бино бир қаватдан бўлиб, ўлчамлари 15,0м x 10,8м.

Маҳалла маркази қуйидаги биноларни ўз ичига олади: қабулхона, фуқароларни қабул қилиш, раис кабинети, хотин-қизлар кенгаши бинолари, ходимлар хонаси, мажлислар зали, санитария блоки ва кириш блоки, учрашув хонаси кутубхона сифатида ишлатилади.

Алоҳида кириш жойи билан профилактика инспектори кабинети мавжуд.

Барча офис ва бинолар зарур мебел, жиҳоз ва коммунал хизматлар билан жиҳозланган.

Маҳалла маркази иш вақти 8:00 дан 18:00 гача.

Ходимлар сони 10 киши

Бино зарур авария чикиш йўллари ва бирламчи ёнғин ўчириш ускуналари билан таъминланган.

Портловчи ва ёнғин хавфи бўлган бинолар тоифаса "Д" га тегишли.

Лойиҳа технологик жиҳозларнинг спецификацияси илова қилинган.

Электр таъминоти

Махалла фуқаролар йиғини комплекси намунавий лойихасининг электротехник қисми ПУЭ-2011й, ҚМҚ2.04.17-98, ҚМҚ2.01.05-98 асосида ишлаб чиқилди. Махалла фуқаролар йиғини комплекси иситиш тизимига 3 хил тизимда ишлаб чиқилган.

1чи иситиш тизими бу 2 контурли электр иситиш қозони орқали.

2чи иситиш тизими бу 2 контурли газли иситиш қозони орқали.

3чи иситиш тизими бу тошқумирли иситиш қозони орқали.

1чи иситиш тизими учун:

Ўрнатилган қувват - 25,51кВт

Хисобий қувват - 17,8кВт

2чи иситиш тизими учун:

Ўрнатилган қувват - 10,66кВт

Хисобий қувват - 7,5кВт

3чи иситиш тизими учун:

Ўрнатилган қувват - 10,51кВт

Хисобий қувват - 7,4кВт

Электр истеъмолчилари ишончлилиги бўйича 3чи тоифага киради. Таркатув электр қутиси сифатида пластмасс корпусли ШУРв-30 танланди. Электр ёритиш тизими ҳамда куч электр тизими учун мис толали ВВГ маркали кабел танланди

ва улар сувоқ остида ва осма шифт устидан ўтказилади. Электр ёритиш тизими учун лед чироклар танланди. Электр токи остида қолиш хавфини олдини олиш мақсадида куйидаги ерлаш турлари амалга

оширилган: - Кабельнинг учинчи толаси орқали химоявий "ноллаш". - Барча электр қурилмаларни метал устки қисмларини кабель учинчи толаси орқали ерлаш. - Қаршилиги  $10\Omega$  дан ортиқ бўлмаган ерлатгични кабельнинг 3чи толасига улаш орқали қайта ерлаш. Қайта ерлаш қалинлиги 40x4мм бўлган Г-симон пўлат орқали амалга оширилади. Электр монтаж ишлари ПУЭ-2011й ва ҚМҚ 3.05.06-97й асосида амалга оширилсин.

### Иссиқлик ва вентиляция бўлими

Ушбу лойиха архитектура қисмлари топшириғига биноан, КМК 2.04.05-97 "Иситиш, вентиляция ва конденциялаш", ШНК 2.08.01-05 "Турар жой бинолари ва иншоотлари", КМК 2.01.01-94 "Лойихалаш учун иклимий ва физикавий-геологик малумотлар" лари асосида ишлаб чиқилди.

Ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати:

- совуқ давр учун  $-15^{\circ}\text{C}$ ,
- иссиқ давр учун  $+37^{\circ}\text{C}$  қилиб қабул қилинди.

Иссиқлик манбаи сифатида (3 хил кўринишда газда, электр тармоғида ва қаттиқ ёқилғида) ишлайдиган модул типдаги иситиш қозонхонаси ишлатилади. Иссиқлик етказувчи иссиқлик системаси учун сувни  $80-60^{\circ}\text{C}$  параметрлари билан иситиб беради.

Иссиқ сув газда  $Q=15\text{кВт}$ , (электр тармоғида  $N=15\text{кВт}$ , қаттиқ ёқилғи  $Q=15\text{кВт}$ ) қозонхонадан етказиб берилади.

Иситиш мосламалари сифатида биметалл иситгичлардан фойдаланилади.

Қувур ўтказгичлар – полипропилендан иборат.

Эшиклар олдидан ўтувчи қувурлар изоляция қилиниб пол конструкциясига ётқизилади.

Қувурларни девордан кесиб ўтувчи жойларга ёнмайдиган гильза ётқизилади.

Ҳавони шамоллатиш - ҳавони ичкарига – ташқарига тортиш, табиий ва механик йўллар билан бажарилади. Ҳаво оқими – уюшмаган ойна орқали амалга оширилади.

Система КМК 3.05.01-97 "Ички санитар-техник система" га асосан монтаж қилинади.

Полипропелин қувурларини монтаж ва қотириш, ишлаб чиқарувчи фирманинг тавсифига кўра бажарилади.

Иситиш тизими "ROTTO 600" алюмин радиоторлари иситиш мосламалари орқали фойдаланилади. Қозонхона икки табақали иситиш мосламаси бўлиб, иссиқ сув таъминоти ҳам тўғридан-тўғри қозонхонадан олинади.

### Смета нархлари

Тартиб рақами	Кўрсаткичлар номланиши	Ўлчов бирлиги	Лойиха бўйича нархи
1	Газда ишлайдиган модул типдаги иситиш қозонхона $Q=15\text{кВт}$	Минг сўм	845 158 829
2	Электр тармоғида ишлайдиган модул типдаги иситиш қозонхона $N=15\text{кВт}$	Минг сўм	850 230 798
3	Қаттиқ ёқилғи $Q=15\text{кВт}$ ишлайдиган модул типдаги иситиш қозонхона	Минг сўм	846 530 847

## Иссиқ ва совуқ сув таъминоти тизимлари

Ushbu loyihani loyihalash uchun asoslar quyidagilar:

1. O'zbekiston Respublikasi binolarni loyihalashning amaldagi normalari va qoidalari.
2. Arxitektura va qurilish chizmalari

Qurilish shartlari

1. Cho'kish uchun tuproq sharoitlari turi - I tur
2. Mavsumiy muzlash chuqurligi - 0,7 m
3. Saytning seysmikligi - 8 ball

Loyiha uchun tushuntirishlar

Suv ta'minoti va kanalizatsiya tizimlarini hisoblash KMK 2.04.01-98 ga muvofiq amalga oshirildi.

Bino uchun suv ta'minoti manbai tashqi suv ta'minoti tarmog'idir.

Binoning qurilish hajmi 692.1 m<sup>3</sup>.

KMK 2.04.01-98 ga muvofiq, binoda yong'in gidrantlaridan ichki yong'inni o'chirish ta'minlanmagan. Tashqi yong'inni o'chirish uchun taxminiy suv iste'moli 10 l / s ni tashkil qiladi.

B1 tizimining sovuq suvi binoga bitta kirish orqali etkazib beriladi. Bino tomonidan iste'mol qilinadigan suvni hisobga olish hammomdagi suv ta'minoti kirish joyiga o'rnatilgan suv hisoblagichi bilan ta'minlanadi. Maishiy va ichimlik ehtiyojlari uchun kirish joyida zarur bo'lgan erkin bosim 10,0 m.

B1 tizimining sovuq suv ta'minoti tarmoqlari PPRS Ø20-25-32 mm polipropilen quvurlardan ishlab chiqilgan. B1 tizimining quvurlari binoning devorlari bo'ylab banyolar ichida ochiq ravishda yotqizilgan va yashirin - boshqa xonalarning zamin tuzilishida.

Issiq suv tizimi T3. T3 tizimidagi issiq suv (isitish moslamasi) keladi.

Issiq suvni tayyorlashning 3 ta varianti mavjud:

- 1 variant - ikki pallali elektr qozondan,
- 2-variant - ikki pallali gazli qozondan,
- 3-variant - qozondan (RH qismida hisobga olinadi) - ko'mirli qozondan binoni isitishda.

T3 tizimining issiq suv quvurlari tarmoqlari PPRS Ø 25 mm shisha tolali polipropilen quvurlardan (1, 2 va 3-variantlar uchun), shuningdek, (3-variant uchun) ishlab chiqilgan. T3 tizimining quvurlari binoning devorlari bo'ylab ochiq ravishda yotqizilgan va yashirin - zamin tuzilishida.

Bino maishiy kanalizatsiya bilan ta'minlangan.

K1 maishiy kanalizatsiya tizimi kanalizatsiya polivinilxlorid quvurlaridan PVX Ø50-110 mm, keyinchalik oqava suvlarni saytdagi kanalizatsiya tarmog'iga tushirish bilan ishlab chiqilgan.

Tarmoqdagi blokirovkalarni bartaraf etish uchun qayta ko'rib chiqish va tozalashlar amalga oshiriladi. K1 tizimining quvurlari binoning devorlari bo'ylab ochiq yotqizilgan va yashirin - zamin ostida.

Kanalizatsiya ko'targichlarining egzoz qismi tomning tepasida 0,5 metr balandlikda ko'rsatiladi.

Quvurlarning po'lat qismlarini moyli bo'yoq bilan 2 marta bo'yash.



## Алоқа ва сингализация тизими

Лойихада буюртмачининг топшириғи, архитектура-қурилиш қавати режалари асосида ёнғин сингализацияси ва ёнғин ҳақида огоҳлантириш тизими назарда тутилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги қоидалар ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Ёнғин сингализацияси тизими ёнғинни ўз вақтида аниқлаш учун мўлжалланган ва \_\_\_\_\_ да Гранд Мастер қабул қилиш, назорат қилиш ва хавфсизлик ёнғинга қарши қурилмасини ўрнатишни таъминлайди.

Қурилма модулли конструкцияга эга бўлиб, у қурилманинг мослашувчан конфигурациясини, шунингдек, унда воқеа ёзувчиси ўрнатилган масофавий клавиатурани таъминлайди.

Қурилма ёнғин детекторлари ўрнатилган сигнал занжирларини (АЛ) бошқариш, сигнал хабарномаларини чиқариш ва масофадан туриб сингализация қилиш учун мўлжалланган.

Қурилма 220В АС дан қувватланади. Электр тармоғи узилиб қолган тақдирда, қурилма ташқи контактларнинг занглашига олиб келадиган нотўғри хабарномалар бермасдан автоматик равишда ўрнатилган батареядан қувватга ўтади.

Ёнғин сингализация тармоғи ПУГНП 2Х0.5 кабели (ёнмайдиган) билан амалга оширилади, яширин ва шип бўйлаб гофрировка қилинган қувурларга ётқизилади. Ишлатилмаган ҳалқаларни 7,5 кО тугатиш резистори билан ўчириш керак, бу еса пастадирнинг узилиши ҳақида билдиришномаларнинг олдини олиш учун.

Ёнғин сингализацияси детекторлари сифатида қуйидаги детекторлар тақдим этилади: тутун - ИП-212-95 "РУБЕЗХ" ва қўлда ИПР-513-10 "РУБЕЗХ", икки остонали ёнғин сингализация ҳалқаларида ташкил этилган. Ёнғин сингализацияси детекторларини арматура ўрнатгандан сўнг шифтга ўрнатиш: тутун детекторлари деворлардан 4 м ва бир-биридан 8 м, полдан қўлда 1,5 м масофада. Қурилманинг электр таъминоти ЕА бўлимида ишлаб чиқилган электр таъминотининг биринчи тоифасига мувофиқ 220В тармоғидан таъминланади.

"Маҳалла фуқаролар йиғини комплекси"  
намунавий лойихаси

намунавий  
лойиха

17 бет

Умумий кўрсатмалар:

Ишчи ҳужжатларнинг ушбу қисмида лойиха топшириғи ва қават режалари асосида видеокузатув тизими ишлаб чиқилган.

Видеокузатув бир вақтнинг ўзида рақамли ёзиш, мониторинг қилиш, архивни кўриш, тармоқ устида ишлаш ва маълумотларни архивлаш учун мўлжалланган, менежер хонасида бинонинг 1-қаватида ўрнатилган 24 та портга ега бўлган профессионал тармоқли видео ёзувларни ўрнатиш орқали амалга оширилади.

Видеокузатув ускуналари жадвалга ўрнатилган.

Камераларнинг жойлашиши диаграммада (2-варақ) ва пол режаларида кўрсатилган.

Видеокузатув ва электр таъминоти тармоғи 5е ФТП 4 тоифали ЛАН кабели томонидан бошқариш кабели (Комбинацияланган) томонидан амалга оширилади.

Видеокузатув тармоғи сохта шифт орқасидаги гофрировка қилинган қувурларга ва кабел каналларига ётқизилган.

Камераларни қувват билан таъминлаш учун 24В ДС 10А қувват манбаини ўрнатиш.

Электр таъминотининг биринчи тоифасидаги 220 В тармоғидан тизимнинг электр таъминоти ЕО қисмида тақдим етилади. Волтажни барқарорлаштириш ва узлуксиз электр таъминотини таъминлаш учун УПС-1200 ўрнатилиши таъминланади.

Қурилмадан фойдаланганда "1000 В гача бўлган электр иншоотларини ишлатиш бўйича кўрсатмалар ва хавфсизлик қоидаларига" риоя қилинг.

Ўрнатиш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш қурилмадан узилган электр қуввати билан амалга оширилиши керак.

Ускунанинг тури мижоз томонидан ўрнатиш вақтида белгиланади.

"Махалла фуқаролар йиғини комплекси"  
намунавий лойихаси

намунавий  
лойиха

18 бет

Лойиха муаллифи:

"QISHLOQQURILISHLOYIHA" МЧЖ  
Манзил: Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани  
А.Қодирий кўчаси, 7-уй  
Тел: (71) 241-13-23  
QQI.uz@yandex.ru

Тасдиқланган:

“ШАҲАРСОЗЛИК ХУЖЖАТЛАРИ  
ЭКСПЕРТИЗАСИ”

ДУК Йиғма эксперт хулосаси № 1240  
2022 йил 15 ноябрь

Тасдиқлайман:

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш вазирлиги

"QISHLOQQURILISHLOYIHA" МЧЖ  
Бош директори

Ахмедов И.С

Лойиха бош меъмори

Хашимов Қ

